

Очилов Муроджон Абдуевич: *“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот таннархи аудитини такомиллаштириш масалалари”*. (5A230902 - “Аудит (тармоқлар бўйича)”).

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент Астанакулов О.

Тадқиқот мақсади: Корхоналарда маҳсулот таннархи аудитининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда унинг аудитини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- маҳсулот таннархи аудитининг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш;
- маҳсулот таннархини аниқлашнинг асосий тамойиллари ва қоидаларини ўрганган ҳолда, уни амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳсулот таннархини аудит қилишнинг ҳозирги мавжуд усулларини кўриб чиққан ҳолда уни такомиллаштириш йўлларини белгилаш;
- аудит текшируви маълумотлари асосида корхона молиявий ҳолатига баҳо бериш;
- миллий аудит стандартлари асосида маҳсулот таннархини аудит қилиш услубиятини белгилаш;
- маҳсулот таннархини аудит қилишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳсулот таннархини аниқлашда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича таклифлар бериш.